

ПАТИССОН НАВЛАРИНИ АСОСИЙ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЕТИШТИРИШДА МАҚБУЛ ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Дурходжаев Шавкат Файзуллаевич, ассисенти
Исламов Соҳиб Яхшибекович, к.х.ф.д., профессори
Ташкентский государственный аграрный университет

Аннотация. Мақолада асосий экин сифатида патиссон навларини 10 апрелда экилганда (бир тупда) энг юқори ҳосилдорлик “Солнишко” навида (8,49 кг) кузатилди. “Заркокил” навини 10 май экиш муддатида бир тупдан энг кам (2,49 кг) ҳосил олинган. Кўриб турганингиздек бир гектар майдондан энг юқори ҳосилдорлик “Солнишко” навини 10 апрел кунини экилганда (17,3 т) аниқланди.

Калит сўзлар: патиссон, навлар, барг, мева вазни, экиш муддатлари ва ҳосилдорлик

Аннотация. В статье установлено, что по оптимальным срокам посева (посадки) сортов патиссона в основной культуре выход наиболее высокого урожая с одного куста был у сорта “Солнышко” при сроке посева (посадки) 10 апреля (8,49 кг), а наиболее низкий урожай с одного куста был получен у сорта “Заркокил” при сроке посева (посадки) 10 мая (2,49 кг), наиболее высокая урожайность с одного гектара площади в разных сроках посева (посадки) отметили у сорта “Солнышко” при сроке посева (посадки) 10 апреля (17,3 т).

Ключевые слова: патиссон, сорта, лист, масса плода, сроки посева (посадки) и урожайность.

Abstract. The article presents the data regarding planting patisson varieties in the main crop, the highest yield per bush according to optimal planting periods was the «Solnishko» variety in the sowing period of April 10 (8.49 kg), and the «Zarkokil» variety in the planting period of May 10 was obtained from one bush with the lowest yield (2.49 kg), and the highest yield of one hectare from the different planting period was found to be the “Solnishko” variety in the sowing period of April 10 (17.3 t).

Keywords: patisson, varieties, leaf, fruit weight, planting dates and yield.

Кириш. Замонавий рационал ва тўғри овқатланиш тушунчаси нафақат етарлича ҳажмдаги сабзавотларни, балки энг асосийси – уларнинг кенг ассортиментини истеъмол қилишни ҳам назарда тутди. Бу нафақат овқатланишни ранг-баранг қилишни, балки сабзавотларни истеъмол қилиш даврини узайтириш имконини беради [1; 2; 3].

Бугун бутун дунёда бўлгани каби [4; 5] Ўзбекистонда ҳам патиссон ўсимлигини етиштириш ҳамда қайта ишлаш технологиясига катта эътибор берилмоқда.

Тадқиқотларда патиссоннинг нав намуналарини такрорий экин сифатида қимматли жўжалик белгиларини ўрганиш асосида истиқболли навларни танлашга эътибор қаратилди. Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда районлаштирилган “Белий 13” ва “Заркокил” навлари, Россия селекциясига мансуб 16 та нав намуналарининг уруғи, ўсимлиги, барги, мева ва ҳосили хизмат қилди.

Тадқиқотларда патиссон нав намуналари июн ойининг 2-декадасида 70×70 см экиш схемасида 4 та қайтариқда, 4 та қаторли ва қатор узунлиги 10 м, ҳисобли ўсимликлар сони 40 дона бўлиб, ҳисоб майдон 40 м² дан иборат бўлди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотларда таққосланаётган патиссон нав намуналарини такрорий экинда ўрганилаётган нав намуналарининг дала унвчанлигидан кескин фарқланмади. Уруғни экилгандан 10 % ниҳол пайдо бўлишигача “Заркокил” ва “Солнишко” навларида назорат 20 апрелда экишда 6 кун бўлиб, қолган экиш муддатларида эса 2 кун кечроқ пайдо бўлди. Ўрганилаётган экиш муддатларида ниҳолларни 75 % чиқиш 1 кун кейинроқ пайдо бўлганлиги аниқланган бўлса, “Заркокил” ва “Солнишко” навларида 10 апрел экиш муддатида ниҳолларни пайдо бўлишидан 1-мева пишгунича 57 ва 58 кунни ташкил қилди. Бироқ, бошқа экиш муддатларида ушбу давр 61-65 кун эканлиги кузатилди.

Асосий экин сифатида назорат 20 апрел экиш муддатида

нисбатан 10 апрелда экилганда “Заркокил” нави ўсимлик баландлиги 1,5 см, поя кенлиги 10,8 см; барг узунлиги 4,6 см; барг кенлиги 2,1 см; бир тупдаги барг сони 4,9 дона; барг сатҳи 0,93 м²/ўсим. ҳамда барг банди узунлиги 11 см га юқори бўлди. Ушбу кўрсаткичлар “Солнишко” навида мутаносиб равишда 4,6 см; 4,6 см; 2,8 см; 2,7 дона; 3,3 м²/ўсим., 5 см ни ташкил қилди

Асосий экин сифатида “Заркокил” навини назорат 20 апрел экиш муддатида 38,9 донани ташкил қилган бўлса, унга нисбатан 10 апрел экиш муддатида – 7,9 дона кўпроқ шаклланган бўлиб, 30 апрел экиш муддатида 1 донага ҳамда 10 майда 18,2 донага камроқ бўлганлиги аниқланди.

Асосий экин сифатида “Солнишко” навида назорат 20 апрел экиш муддатида (58,8 дона) нисбатан 10 апрел экишда 11,9 дона кўпроқ мева сони шаклланган бўлса, 30 апрелда 15,3 дона ҳамда 10 майда 27,6 дона кам мева сони бўлган бўлса, мева вазни назорат 20 апрел экиш муддатида “Заркокил” навида 129,5 г бўлиб, назорат экиш муддатида (20 апрел) нисбатан 10 апрелда 42,1 г оғир, 30 апрел экиш муддатида эса 33,3 г ҳамда 10 майда 60,4 г енгилроқ бўлганлиги аниқланди.

Асосий экин сифатида “Солнишко” нави турли экиш муддатларида, хусусан назорат 20 апрел экиш муддатида мева вазни 195,9 г ни ташкил қилиб, унга нисбатан 10 апрел экиш муддатида 63,4 г оғир бўлди. Аксинча, экиш муддатларини сурилиши натижасида назорат экиш муддатида (20 апрел) нисбатан 30 апрел экиш муддатида мева вазни 50,8 г ҳамда 10 май экиш муддатида – 91,9 г га камроқ бўлганлиги қайд қилинди.

Асосий экин сифатида турли экиш муддатларида патиссон навларининг мева сони бутун ўсув даврида (май-октябрь) назорат 20 апрел экиш муддатида “Заркокил” навида 38,9 донани ташкил қилган бўлса, унга нисбатан 10 апрел экиш муддатида 7,9 дона кўпроқ шаклланган бўлиб, 30 апрел

экиш муддатида 1 донага ҳамда 10 майда 18,2 донага камроқ бўлганлиги аниқланди.

Бир гектардан 2020 йилда “Заркокил” навидан назорат 20 апрел экиш муддатида 8,3 т/га ҳосил олинган бўлиб, унга нисбатан юқори ҳосилдорлик 10 апрел экиш муддатида (11,9 т/га), 30 апрел (7,7 т/га) ва 10 май (7,1 т/га) экиш муддатлари эса кам ҳосилдорликни намоян қилди.

Россия селекциясига мансуб патиссоннинг “Солнишко” навида 2020 йилда энг юқори бир гектардан ҳосилдорликни 10 апрел экиш муддатида 17,5 тоннани ташкил қилиб, гектаридан 10 апрел экиш муддатида нисбатан 20 апрелда (назорат) 5,4 т, 30 апрелда 6,2 т ҳамда 10 майда 4,75 т кам ҳосил бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

Асосий экин сифатида турли экиш муддатларида патиссон навларининг ҳосилдорлиги

Экиш муддатлари	Умумий ҳосил, т/га				Назоратга нисбатан, %
	2020 йил	2021 йил	2022 йил	ўртача	
“Заркокил” нави					
10 апрель	11,9	9,6	13,0	11,5	108,1
20 апрель (назорат)	8,3	8,6	11,7	9,5	89,8
30 апрель	7,7	5,7	7,8	7,1	66,7
10 май	7,1	3,4	4,7	5,1	47,9
ЭКМФ ₀₅	0,4	0,3	0,4	0,2	-
Sx, %	4,2	4,8	4,4	2,0	-
“Солнышко” нави					
10 апрель	17,5	16,2	18,3	17,3	100,0
20 апрель (назорат)	12,1	14,6	16,5	14,4	135,8
30 апрель	11,3	9,7	11,0	10,7	100,6
10 май	10,5	5,8	6,6	7,6	72,1
ЭКМФ ₀₅	0,5	0,6	0,5	0,3	-
Sx, %	3,7	4,8	4,1	2,7	-

2021 йилда патиссон навларида турли экиш муддатларида гектаридан ҳосилдорлик бирмунча пастроқ бўлиб, “Заркокил” навини назорат 20 апрел экиш муддатида 8,6 т/га бўлган. Шу нави 10 апрел экиш муддатида гектаридан 1 тонна юқори, аксинча 30 апрелдагисида 2,9 тонна ҳамда 10 майдагисида 5,2 т камроқ ҳосил олинган. Шунингдек, ўрганилаётган навлар бўйича гектаридан энг юқори ҳосилдорлик “Солнишко” навида (10 апрел экиш муддатида 16,2 т ни ташкил қилиб, унга нисбатан кам ҳосилдорликни назорат 20 апрел экиш муддатида 1,6 т; 30 апрелдагисида 6,5 т ҳамда 10 майдагисида 10,4 т.) кузатилди.

2022 йилда баҳор фасли иссиқ келганлиги сабабли, ўрганилаётган (асосий экин) патиссон навларидан турли экиш муддатларида ҳам ҳосилдорлик юқори бўлди. Бунда, маҳаллий “Заркокил” нави назорат 20 апрел экиш муддатида (9,5 т/га) нисбатан бир гектар майдондан 10 апрел экиш муддатида 2 т юқори, аксинча 30 апрел экиш муддатида 2,4 т ҳамда 10 майда 4,4 т кам ҳосил шаклланганлиги аниқланди.

Россия селекциясига мансуб патиссоннинг “Солнишко” навида энг юқори ҳосилдорлик 10 апрел (18,3 т/га) экиш муддатида кузатилди, ушбу экиш муддатида нисбатан 20 апрел (назорат)даги экишда гектаридан 1,8 т; 30 апрелда 7,3 т ҳамда 10 майда 11,7 т кам ҳосил олинди.

Тадқиқот натижаларига кўра, энг юқори ҳосилдорлик “Солнишко” навини 10 апрел экиш муддатида (17,3 т) эканлиги

аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Ўрганилаётган патиссон нав намуналарининг товарбон ҳосилли давлатлараро стандарт “ГОСТ 34324-2017. Патиссоны свежие. Технические условия” бўйича мева ўлчами таҳлил қилинганда, энг юқори олий маҳсулот чиқиши “Солнишко” навини 20 апрел экиш муддатида мева диаметри 50 мм – 7,02 т (умумий ҳосилдан), 70 мм – 2,7 т ҳамда 100 мм – 1,08 т ни ташкил қилиб, энг паст кўрсаткични “Заркокил” навини 10 май экиш муддатида мева диаметри 50 мм – 1,79 т, 70 мм – 2,55 т ҳамда 100 мм – 0,77 т товарбон ҳосил шаллантирилганлиги аниқланди.

Хулоса.

1. Асосий экинда патиссон навлари уруғлари экилгандан 1-жадвал. 10 % ниҳол пайдо бўлишигача “Заркокил” ва

“Солнишко” навларида назорат 20 апрелда экишда 6 кун бўлиб, қолган экиш муддатларида эса 2 кун кечроқ пайдо бўлди. Бироқ барча ўрганилаётган экиш муддатларида ниҳолларни 75 % чиқиш 1 кун кейинроқ пайдо бўлганлиги аниқланди.

2. Патиссоннинг “Заркокил” ва “Солнишко” навларида 10 апрел экиш муддатида ниҳолларни пайдо бўлишидан 1-мева пишгунича 57 ва 58 кунни ташкил қилди. Бироқ, бошқа экиш муддатларида ушбу давр 61-65 кун эканлиги кузатилди.

3. Асосий экин сифатида назорат 20 апрел экиш муддатида нисбатан 10 апрелда экилганда “Заркокил” нави ўсимлик баландлиги 1,5 см, поя кенлиги 10,8 см; барг узунлиги 4,6 см; барг кенлиги 2,1 см; бир тупдаги барг сони 4,9 дона; барг сатҳи 0,93 м²/ўсим. ҳамда барг банди узунлиги 11 см га юқори бўлди. Ушбу кўрсаткичлар “Солнишко” навида мутаносиб равишда 4,6 см; 4,6 см; 2,8 см; 2,7 дона; 3,3 м²/ўсим., 5 см ни ташкил қилди.

4. Асосий экин сифатида “Заркокил” навини назорат 20 апрел экиш муддатида 38,9 донани ташкил қилган бўлса, унга нисбатан 10 апрел экиш муддатида 7,9 дона кўпроқ шаклланган бўлиб, 30 апрел экиш муддатида 1 донага ҳамда 10 майда 18,2 донага камроқ бўлганлиги аниқланди.

5. Асосий экин сифатида “Солнишко” навида назорат 20 апрел экиш муддатида (58,8 дона) нисбатан 10 апрел экишда 11,9 дона кўпроқ мева сони шаклланган бўлса, 30 апрелда 15,3 дона ҳамда 10 майда 27,6 дона кам мева сони бўлганлиги қайд этилди.

6. Патиссон навларининг мева вазни назорат 20 апрел экиш муддатида “Заркокил” навида 129,5 г бўлиб, назорат экиш муддатида (20 апрел) нисбатан 10 апрелда 42,1 г оғир, 30 апрел экиш муддатида эса 33,3 г ҳамда 10 майда 60,4 г. енгилроқ бўлиб, “Солнишко” нави турли экиш муддатларида, хусусан назорат 20 апрел экиш муддатида мева вазни 195,9 г ни ташкил қилиб, унга нисбатан 10 апрел экиш муддатида 63,4 г оғир бўлди. Аксинча, экиш муддатларини сурилиши натижасида назорат экиш муддатида (20 апрел) нисбатан 30 апрел экиш муддатида мева вазни – 50,8 г ҳамда 10 май экиш муддатида – 91,9 г га камроқ бўлганлиги аниқланди.

7. Бир тупдаги энг юқори ҳосил чиқиши “Солнишко” навини 10 апрел экиш муддатида (8,49 кг) бўлиб, “Заркокил” навини 10 май экиш муддатида бир тупдан энг кам (2,49 кг) ҳосил

олинган бўлиб, турли экиш муддатидан бир гектар майдондан энг юқори ҳосилдорлик “Солнышко” навини 10 апрел экиш муддатида (17,3 т) эканлиги аниқланди.

8. Энг юқори олий маҳсулот чиқиши “Солнышко” навини 20 апрел экиш муддатида мева диаметри 50 мм – 7,02 т

(умумий ҳосилдан), 70 мм – 2,7 т ҳамда 100 мм – 1,08 т ни ташкил қилиб, энг паст кўрсаткични “Заркокил” навини 10 май экиш муддатида мева диаметри 50 мм – 1,79 т, 70 мм – 2,55 т ҳамда 100 мм – 0,77 т товарбоп ҳосил шаллантирилганлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Болотских А.С., Довгань Н.Н., Лебединский И.В. Адаптивные технологии выращивания огурца, редьки и тыквы на Украине // Картофель и овощи. – Москва, 2002. – №8. – С. 23-24.
2. Борисов В.А. Для детского питания нужны экологически чистые овощи // Ж. Картофель и овощи. – Москва, 1996. – № 3. – С. 9-12.
3. Лебедева А.Т. Секреты тыквенных культур. – М.: Фитон+, 2000. – 224 с.
4. Лушиц Т.Е. Тыквенные: тыква, кабачки, патиссоны, арбуз, дыня / М.: Книжный Дом, 2002. – 80 С.
5. Кулакова М.Н. Возделывание кабачков, патиссонов и тыкв в Узбекистане. – Т.: Фан, 1981. – 56 С.

О‘СИМЛИКЛАРНИНГ ИНСОНЛАР ХАЙОТИДА ТУТГАН О‘РНИ ВА УЛАРНИ АСРАБ АВАЙЛАШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ

Ergasheva Xonoyim Abdukaxxorovna,
Toshkent davlat agrar universiteti assistenti.

Annotatsiya. O‘simliklar olami inson hayotida muhim ahamiyat kasb etadi. Qishloq xo‘jaligi, oziq-ovqat, o‘rmonchilik, tibbiyot, xalq tabobati va estetik zavq beruvchi o‘simliklardan landshaftlar yaratishda o‘simliklar dunyosining ahamiyati nihoyatda yuqoridir. Hayotiy shakliga ko‘ra har bir o‘simlikning zararkunandalari mavjud bo‘lib, ular o‘simliklarga juda katta zarar yetkazadi. Shuni inobatga olgan holda o‘simliklarni zararkunanda hasharotlardan himoya qilish bo‘yicha bir qator usullar mavjud.

Kalit so‘zlar: o‘rmon xo‘jaligi, zararlilik darajasi, toksin, agrotekhnika usuli, kimyoviy usul, mexanik usul, biofizik usul, biologik usul, genetik usul, insektitsidlar.

Abstract. The world of plants plays an important role in human life. The importance of the world of plants in agriculture, food, forestry, medicine, folk medicine and creating landscapes from plants that give aesthetic pleasure is extremely high. According to the life form, there are pests of each plant, which cause great damage to plants. Taking this into account, there are a number of ways to protect plants from harmful insects.

Keywords: forestry, level of harmfulness, toxin, agrotechnical method, chemical method, mechanical method, biophysical method, biological method, genetic method, insecticides.

O‘simliklar olami inson hayotida muhim ahamiyat kasb etadi. Jumladan oziq ovqat, qishloq xo‘jaligi va ko‘kalamzorlashtirish ishlarida o‘simliklarning o‘rni beqiyosdir. So‘nggi yillarda aholi yashash joyi hududlarini ko‘kalamzorlashtirish, daraxt va butalarni muhofaza qilish hamda yashil maydonlarni kengaytirish borasida tizimli choralar ko‘rilmoqda.

Daraxt, butalar va yashil hududlarni muhofaza qilish hamda ularning zararkunandalarga chidamli navlarni yaratish ustuvor vazifalardan biridir.

Daraxt va butalarning zararkunandalari hamda kasalliklariga qarshi kurashish choralari hamisha dolzarb bo‘lib kelmoqda.

Xo‘sh biz o‘simliklarni zararkunandalar bilan zararlanganini qanday aniqlashimiz mumkin bo‘ladi. Vaholanki, biz o‘simliklarni zararlangandagina ularni zararkunanda hasharotlar bilan zararlanganini sezishimiz mumkin bo‘ladi.[3]

Zararli tur yetarli darajada yuqori zichlikka yetganda, uning yetkazilgan zarari sezila boshlaydi va tabiiyki, bu zararkunandalar sonini kamaytirish zarurati tug‘iladi. O‘simliklar zararkunandalariga qarshi kurash (qishloq va o‘rmon xo‘jaligi) turli usullar va texnik vositalar bilan amalga oshiriladi. Ular zararli organizmlar tomonidan o‘simliklarga zarar yetkazmaslik va zararkunandalarni ommaviy ko‘rinishda yo‘q qilish uchun mo‘ljallangan. O‘simliklarni

himoya qilishning asosiy muammosi - bu zararli hasharotlar, qishloq xo‘jaligi va o‘rmon o‘simliklarining kasalliklariga qarshi kurashning turli usullarini ishlab chiqish, bundan tashqari, ushbu turlarni himoya qilish, shuningdek, oldini olish va zararlilik darajasini pasaytirish bo‘yicha chora- tadbirlar tizimini shakllantirish.

Shuning uchun o‘simliklarni himoya qilishning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

- o‘simliklardagi zararli hasharotlar va kasalliklar sonini kamaytirish choralari ko‘rish;
- o‘simliklarda zararli hasharotlar keltirib chiqaradigan kasalliklar va zararlarga qarshi immunitetni yaratish;
- karantin kasalliklari, zararli turlari va begona o‘tlar tarqalishining oldini olish;
- zararli hasharotlarni turli yo‘llar bilan yo‘q qilish;
- foydali hasharotlarni zararli turlarga qarshi saqlash va ulardan foydalanish;

Zararli hasharotlar tomonidan yetkazilgan zararining namoyon bo‘lishi juda xilma-xil bo‘lishi mumkin. Eng e‘tiborlisi og‘ir a‘zolari kemiruvchi tipdagi hasharotlar ta‘sirida o‘simliklarning defoliatsiyasi; bunday hasharotlar o‘simliklarni ko‘katlar yoki asirlarning muhim qismidan mahrum qiladi; bir xil darajada og‘ir oqibatlar o‘simlik tomonidan ildizlarning yo‘qolishi yoki uning biron bir